



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BO'SH VAZIRI ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Спикер!
Хурматли Сенат раиси!
Мухтарам депутатлар ва сенаторлар!

Қадрли қўшма мажлис иштирокчилари!
Шу кунларда барчамиз биргаликда юрагимизда чуқур дард билан, ўзини тўдириб бўлмайдиган оғир жудодликни бошимиздан кечирмоқдамиз. Нуруний оқсоқолларимиз, мўътабар оналаримиз ва опа-сингилларимиз, ёш йигит ва қизларимиз, 32 миллионли бутун Ўзбекистон халқи, ҳорижий мамлакатлардаги кўпсонли дўстларимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислому Абдуғаниевич Каримовни чексиз қайғу билан сўнгги йўлга кузатдилар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз Ислому Абдуғаниевичнинг рафиқаси — хурматли Татьяна Акбаровнага, қизи — Лола Исмоиловнага ва ақинларига барчамизнинг номимиздан яна бир бор чуқур таъзия билдиришга рухсат бергайсиз.

Вақт ва ҳаётнинг ўзи Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг замонавийнинг улуг сиёсатчиси, узокни кўрадиган ва стратегик фикр юратадиган шахс, дунёда ва турли минтақаларда юз бераётган ўта мураккаб воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини давлатчилик нуқтаи назаридан кўра билши қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдирини учун улкан масъулият тўғрисида чуқур ҳис қиладиган атоқли раҳбар эканлигини ҳар томонлама тасдиқлади.

Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, миллатлараро тўқнашувлар ва бошқа зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда фуқаролар уруши хавфи юзга келган, иқтисодиёт чуқур инқирозга учраган, бир сўз билан айтганда, эски замоннинг умири тугаб, янги замон бошланаётган бир пайтда Ислому Абдуғаниевичнинг республика раҳбари этиб сайланиши Яратганнинг халқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди.

Ислому Абдуғаниевичга хос бўлган буқилмас ирода, фидойилик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.

Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи — бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислому Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигидан олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк йўлбошимиз ҳақида ривож демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосий муаллифи эдилар.

Мамлакатимиз тоталитар тизимдан воз кечиб, мустақил тараққиёт йўлини танлади, кўплаб қийинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жадон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Конституция ва унинг негизда яратилган пухта қонулар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш

ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларини шакллантиришни ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкчиликнинг барча турларини, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлади.

Ислому Абдуғаниевич «**Иқтисодий мустақилликка эришмасдан сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди**» деган тамойил ва энг муҳим устувор вазифани амалга оширишни стратегик масала деб ҳисоблар эдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда sanoatнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охириги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.

Мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган sanoat тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, кимё, автомобильсозлик sanoati, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик sanoati, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариши ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига кирди. Мамлакатимизда қурилган ва ўз кўлами бўйича жаҳон миқёсида ҳам йирик ва ноёб ҳисобланган sanoat объекти, хусусан, Устюрт ва Шўртан газ-кимё комплекслари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод қалий ўғитлари заводи, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобилсозлик заводларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Республикаимизда жадал суръатлар билан замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфраструктураси ташкил қилинмоқда. Жумладан, Қамчиқ довонидан ўтадиган, ноёб тоғ туннелини ўз ичига олган Ангрэн — Поп темир йўли тармоғи, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилди. Тошкентдан Самарқанд, Қарши ва Бухорога йўловчи ташийдиган юқори тезликдаги темир йўл қатнови очилди. Халқаро аэропортлар модернизация қилинди, Навоий аэропорти негизда халқаро логистика маркази ташкил қилинди ва Ўзбекистон миллий автомагистралли барпо этилди.

Қишлоқ хўжалигида тўб таркибий ислохотлар амалга оширилди. Барчамиз яхши эслаймиз, яқин ўтмишда Ўзбекистонни пахта монополияси ҳукмронлик қиладиган аграр бир мамлакат деб билишар эди. Мисол учун, 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, четдан олиб келинадиган импорт ҳисобидан қондирилар эди.

Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг

ташаббуси билан ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва янги, илгор агротехнологияларни жорий этиш, қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳақиқий мулкдорларнинг янги синфи бўлган фермерлик ҳаракати шакллантирилди.

Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истеъмол қилиш даражаси кўпайди: гўшт, сўт ва улардан тайёрланган маҳсулотлар — 1,5 баробар, сабзавот — 2,6 баробар, мева — 6,3 баробар ошди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилмоқда ва улар мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «**Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун**» деган эзгу гоияни амалга ошириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини сезиларли даражада яхшилашни таъминлади.

Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг улarga бўлган талабини қондирити таъминланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга бўлган масалаларни ечиш билан бир қаторда, жамиятимиз ҳаётини, фуқароларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини тубдан ўзгартиришга қаратилган кўпқиррали вазифаларга доимо катта эътибор қаратар эдилар.

«**Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт**» деган чуқур маъноли фикрлари ҳаммамизнинг қалбимизда муҳрланиб қолган.

Ортбошимиз мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунини ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиққан ёшларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини кескин ўзгартирган, мутлақо янги таълим ва тарбия тизимини яратиш ва ҳаётга татбиқ қилиш ишларига бевосита муаллифлик ва раҳбарлик қилдилар.

Ортимизда илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт каби муҳим соҳалар фаол тарзда ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг маънавий қадриятларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, анъана ва урф-

одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, айниқса, давлат ва жамият бошқарувида маҳалланинг нуфузини ошириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш борасида улкан ишларни амалга оширди.

Юртбошимиз кекса авлод вакилларида, мухтарам фахрийларимизга ҳурмат-эҳтиром ва амалий ғам-ҳўрлик кўрсатишни ўта муҳим вазифа деб ҳисоблар эдилар.

Олий Бош Қўмондон сифатида Ислому Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кучларимизни тубдан ислох қилиш, жанговар қобилиятини кучайтириш ва шу асосда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ва мустақиллигини ҳимоялаш, сарҳадларининг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш учун беқиёс хизмат кўрсатдилар.

У кишининг ташаббуслари билан тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва юзга келаятган қарама-қаршилик ва зиддиятларни фақат ва фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепцияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Хурматли депутат ва сенаторлар! Биз охириги 25 йил давомида жуда кўплаб муҳим анжуман ва йиғилишларни ўтказдик. Уларнинг барчасига мухтарам Президентимиз Ислому Абдуғаниевич Каримов бошчилик қилганларидан яхши хабардорсиз. Бугун эса тарихимизда биринчи марта бундай муҳим йиғилишни азиз раҳбаримизнинг иштирокисиз ўтказмоқдамиз. Гўёки ҳаёлимизда у киши ҳозир залга кириб келадигандек.

Уйлайманки, бугунги мажлисда қатнашаётган ҳар бир инсон шу залда буюк йўлбошимизнинг руҳи ва нафасини сезиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ўлмас гоялари, фикр, кўрсатмалари бизнинг қалбимиз ва онгимизга шундай чуқур сингиб кетганки, улар бизнинг келажак сари қатъий билан боришимизда барчамизга доимо таянч ва суянч бўлиши мукарраб.

Шу муносабат билан, биз дунёдаги хозирги мураккаб ва кескин шароитни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ўзимизнинг биринчи даражали вазифаларимизни биргаликда белгилаб олишимиз даркор.

Бугун биз халқимизни ишонтириб, баланд овоз билан айтишимиз зарурки, буюк устозимизнинг сиёсий мероси, яъни, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Биринчидан, биз ҳар доим Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг чуқур маъноли ўғитларини, айниқса, «**Бизга тинчлик ва омонлик керак!**» деган сўзларини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

» (2).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳроқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улғулаш мақсадига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислому Каримовнинг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 12 сентябр душанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2016 йил

12 сентябр мамлакатимизда дам олиш кунини деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуруний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча муассасаларда идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи
Тошкент шаҳри,
2016 йил 9 сентябр
Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 8 сентябр кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тақдир этилган Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис аввалида йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислому Абдуғаниевич Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Қўшма мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида раҳбарлик лавозимларидаги кўп йиллик тажрибасини, аҳоли ўртасидаги ҳурмат-эътиборини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни унинг зиммасига вақтинча юклаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тақлиф билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошев-

нинг мазкур тақлифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан маъқулланганиги маълумот учун қабул қилинди.

Сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, депутатлар ва сенаторлар ҳозирги шароитда барқарорликни сақлаш, жамоат ҳавфсизлигини ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларини самарали ҳал этиш зарурлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошевнинг тақлифини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови ўтказилишини ташкил этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси шу билан ўз ишнини аяқлади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси ва Сенатининг ахборот
хизматлари

4 декабр — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кунини

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислому Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ, 2016 йил 4 декабр, яқшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кунини деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг 9 сентябрыдан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисидаги тақлиф кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан очик ва ошқора, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Матбуот маркази Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйда жойлашган.

Шу куннинг ўзиде мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

ЎЗА

12 сентябр — Қурбон ҳайити кунини

ЭЗГУЛИК ВА ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислому Каримов собиқ мустабид тузум даврида қадимий урф-одатларимиз, эзгу қадриятларимиз, дину дённатимизни тиклаш, халқимизнинг олижаноб фазилатларини эъзозлашга катта эътибор қаратди. Президентимизнинг 1991 йил 20 июндаги «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги фармони улкан жасорат, юсак ватанпарварлик намунаси бўлган.



→ 3

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BO'SH VAZIRI SHAVKAT MIROMONOVICH MIRZIEVNING OLIY MAJLIS QONUNCHILIK PALATASI VA SENATINING QUSHMA MAJLISIDAGI NUTQI

К(1).

Турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали вазиятда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачигдек сақлашимиз, юртимиздаги миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашимиз керак.

Шу билан бирга, жамиятимизда қонун устуворлиги, тартиб-интизом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашимиз зарур. Барчамаъруза маълумки, Ислому Абдуғаниевич Каримов «Одамлар ҳамма нарсасиз чидаш мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайд», деб кўп-кўп таъкидлар эдилар. Биз барпо этиётган ҳуқуқий давлатда адолатсизликнинг ҳеч қандай шаклда устун бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур. Бу ҳоқимиятнинг барча тармоқлари, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг ва айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражадаги вазифасидир. Биз ҳалқимизнинг, бугунги замоннинг ана шу муҳим талаби сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз шарт.

Иқтисодий, давлатимиз хавфсизлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз, ҳар бир фуқаронинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашимиз лозим. Вазиятни издан чиқариш, нифоқ солиш, душманлик уруғини сепиш, турли моҳарларни келтириб чиқариш ва ҳатто қон тўкилишини истайдиган кучлар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ойиқ тан олиш керак, биз нотинч замонда, нотинч бир минтақада яшамокдамы. Шу сабабли Ватанимизни ҳимоясини ишончли қарорлар билан, мудрофа қобилиятимизни мустаҳкамлаётган ва давлат чегараларимизни дахлсизлигини таъминлаётган тизимли чора-тадбирлар комплексини жорий этишни қатъият билан давом эттиришимиз зарур.

Биз Қуролли Кучларимиз ва ҳуқуқ-тартибот органларимизни бундан кейин ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлаб борамиз. Ҳеч кимда зарарча ҳам шубҳа бўлмаслиги керак — мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига хавф туғдирадиган ички ва ташқи кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига, ҳар қандай уришишларига қатъий ва муносиб зарба берилади.

Бизнинг яна бир энг муҳим устувор вазифамиз — Ислому Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг асоси бўлмиш беш тамойилни амалга ошириш асосида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва унинг рақобатдошлигини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизнинг келгуси ривож, ҳалқимиз фаровонлиги, унинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш айнан шу масалага боғлиқ.

Жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатлари секинлашиб, энг муҳим экспорт товарларимизга ташқи талаб қаймайиб, дунё бозориди уларнинг нархи пасайиб бораётган шaroитда Ислому Абдуғаниевич Каримов томонидан иқтисодиётимизни ислоҳ

қилишни чуқурлаштириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз керак.

Шу билан бирга, Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил январ ойидаги қўшма мажлисида таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракат дастурини амалда бажаришни давом эттириш зарур. Бу борада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни давом эттириш, хусусий мулкни ривожлантиришни жадаллаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайтириш ва таркибий ўзгаришларни жадаллаштиришга қаратилган ишларни изчил амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, асосий диққат-эътиборни қуйидаги устувор вазифаларга қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, макроиқтисодий барқарорлиқни янада мустаҳкамлаш ва маҳаллий даражада бюджет барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Бунда четдан қарз олиш бўйича консерватив ёндашув сиёсатини давом эттириш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг аввало **ўзининг куч ва имкониятларимизга таяниш** заруриги ҳақидаги узоқни кўзлаган стратегиясини давом эттириш билан боғлиқ.

Иккинчидан, нодир ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат ва кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, ташқи бозорларда рақобат ва беқарорлик кучайиб бораётган шaroитда иқтисодиётнинг реал тармоқлари билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудларида ҳам рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ана шу мақсадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, фермер хўжалиқларининг экспортда иштирок этишини янада рағбатлантириш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу иқтисодий ўсиш, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш, аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва моддий фаровонлигини оширишнинг асосий лоқомоти бўлиши керак.

Тўртинчидан, Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб ва топшириқлари ижросини изчил давом эттириш даркор. Турли бюрократик тўсиқлар ва асосиз текширувларни

бундан кейин ҳам қатъият билан чеклаш зарур.

Бешинчидан, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифа — Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган Аҳолининг меҳнат билан бандлигини ошириш дастурини бажаришдан иборат. Йил охирига қадар бир миллиондан зиёд янги иш ўринларини ташкил этишимиз зарур. Касб-хунар коллежларининг 480 миң нафар битирувчисини ишга жойлаштириш масаласи алоҳида назоратни талаб қилади.

Биз жамиятнинг ижтимоий табақаланиш даражасини пасайтириш, мамлакатимизда **ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги** бўйича Ислому Абдуғаниевич томонидан белгилаб берилган сиёсатни қатъий давом эттирамиз.

Олтинчидан, халқаро коммуникация тармоқларига уланган замонавий йўл-транспорти ва муҳандислик инфратузилмасини шакллантириш, шунингдек, миллий аҳборот-коммуникация тизимларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган стратегияни амалга оширишни давом эттирамиз.

Бугунги шaroитда энг илғор аҳборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш устувор аҳамият касб этадими. Бу соҳада қабул қилинган Миллий дастурга мувофиқ, телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимлари ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, информация тизимлар комплекслари ва «Электрон ҳуқумат» аҳборот базасини шакллантиришимиз керак.

Мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ривожлантириш соҳасидаги ишларни давом эттириб, Қарши, Шахрисабз, Тошкент, Термиз, Наманган ва Урганч шаҳарларини ободлаштириш бўйича мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалда бажарилишини таъминлаш керак.

Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги вазифа — кўп тармоқли фермерлиқни ривожлантириш, ҳар бир фермер хўжалигининг иқтисодий самардорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашдир. Бу масалани биз мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг гарови деб ҳисоблаймиз.

Ислому Абдуғаниевич Каримов ташаббускори бўлган қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгариштириш, қишлоқ аҳолиси учун шаҳар даражасидаги турмуш шaroитини таъминлайдиган намунавий уй-жойлар ва тегишли инфратузилмани қуриш бўйича дастурни фаол давом эттирамиз.

Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий аҳборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Энг муҳим йўналишлардан яна бири — жамиятимизда демократик

жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик институтларни ривожлантириш қўллаб-қуватлаш, сиёсий партияларнинг обрў-эътибори ва таъсирини ошириш, сайловчиларнинг овози учун рақобатни кучайтиришдан иборат.

Ҳурматли дўстлар! Биз бундан буён ҳам барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлигимизни давом эттирамиз.

Бу борада Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва позициясини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолиятини концепцияси фаол амалга оширилади.

Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлаштиришга, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўймаслик, илгаригидек, давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзининг яқин қўшнилариимиз Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз.

Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бу — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан алоқаларимизни мустаҳкамлашдан иборат. Биринчи навбатда, Россия Федерацияси билан Стратегик шериклик, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар ва бошқа муҳим келишувлар асосида дўстона алоқаларини изчил ривожлантириш ва кучайтириш икки мамлакат манфаатларига жавоб беради ва минтақада барқарорлик ва хавфсизлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорлиқни ҳар томонлама ривожлантириш бизнинг ташқи сиёсатимизда устувор аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Ўзбекистон минтақадаги яқин қўшнимиз ҳамда глобал ва минтақавий муаммоларни ечишда муҳим рол ўйнайдиган Хитой Халқ Республикаси билан ҳар томонлама стратегик ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашдан манфаатдордир.

Осиё ва Тинч океани минтақасида биз Япония, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан иқтисодий, инвестициялар, фан ва технологиялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга устувор даражада аҳамият берамиз.

Ўзбекистон учун Европанинг етакчи давлатлари, авваломбор, Германия, Франция ва Буюк Британия, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Биз Ҳиндистон, Покистон ва Жанубий Осиёнинг бошқа давлатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан анъанавий равишда яқин қўшничилик ва дўстона сиёсат олиб боради.

Биз Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари билан ўзаро манфаатли ва кенг қиррали муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни давом эттирамиз.

Лотин Америкаси ва Кариб минтақаси, Африка қитъасининг етакчи давлатлари билан алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислому ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

Биз Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислому тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, бошқа халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан давлатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислохотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳамкорлиқни янада ривожлантирамиз.

Ҳурматли қўшма мажлис иштирокчилари!

Иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли адо этиш, биринчи навбатда, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, барча даражадаги ҳокимликлар, давлат ва ҳўжалик бошқарув идоралари, бугун халқимизнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти гоғларини атрофида жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик билан бор куч ва имкониятларини сафарбар этишига боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Мана шу эзгу мақсад йўлида — Ватанимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган ишларимизда буюк Юртбошимиз Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг «**Она Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир**» деган сўзлари доимо бизга куч-қувват ва ғайрат бағишлайди, деб ишонаман. Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисининг қарори қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

— Ҳурматли Спикер!
Ҳурматли Сенат Раиси!
Мухтарам депутат ва сенаторлар!
Авалло, менга билдирилган юксак ишонч учун сизларга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиришга руҳсат бергайсиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қадар бўлган мუддатда менинг зиммамга бугун ниҳоятда мураккаб ва ўта масъулятли вазифа юкланганини ҳар томонлама чуқур ҳис қилиб турибман.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Йўлбошимиз, қадрли Ислому Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва чорак аср мобайнида самарали амалга ошириб келинган давлатимизнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ҳамда демократик ислохотларни жорий этиш борасидаги изчил мустақил тараққиёт йўлини давом эттиришни шу даврда ўзининг энг асосий вазифам деб биламан.

Замонамизнинг буюк давлат ва сиёсат арбоби, узоқни кўра биладиган раҳбар, олижаноб маънавий ва ахлоқий фазилатлар эгаси бўлган буюк инсон мен учун юксак идеал, ўз Ватани, ўз халқига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Сизларни ишонтириб айтаманки, Ислому Абдуғаниевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган барча ҳаётий тамойилларга оғишмасдан, қатъий амал қиламан. У кишининг раҳбар доимо одамларнинг, эл-юртнинг дарду таъшиви билан яшашни, уларнинг орзу-ниятларини рўйба қиқариш учун ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, ўзини аямасдан меҳнат қилиши керак, деган доно ўғитларини ўз фаолиятим учун асосий мезон ва талаб сифатида қабул қиламан.

Бу борада мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига амал қилишини таъминлашни, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар қуришни, республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳамкорликда ишлашини таъминлашни, яқин ва узоқ қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришни энг асосий вазифа деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси ва Сенати аҳолий билан, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар, фуқаролик институтлари билан биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ишлашни олдимизда турган гоғт муҳим ва устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг асосий омилли ва гарови деб биламан. Эл-юртимизнинг юксак ишончини оқлаш, Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш йўлидаги амалий ишлар билан азиз Юртбошимиз Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг руҳи покларини шод этиш учун бор билим ва тажрибамни, салоҳият ва куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Ишонаманки, улўг Юртбошимизнинг бизга қолдирган бебаҳо мероси, ўлмас гоғ ва дастурлари йўлини нурафшон қилиб, барчамизга доимо мададкор бўлади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Касаба уюшмалари — болаларга

Тозалик, озодалик — саломатлик гарови!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан **АНДИЖОН** вилоятида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган «Касаба уюшмалари — болаларга» акциясининг «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари чекка ҳудудлардаги умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчиларини қамраб олди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари, ўқитувчи-мураббийлар ҳамда тиббиёт ходимлари Қўрғонтепа, Жалақудук, Пахтаобод, Буз ва Улуғнор туманларидаги қатор таълим муассасаларида бўлиб, ўқувчиларга шахсий гигиена, тозалikka рия эйтиш, кийим-кечак ҳамда ўқув қуролларини поксиз тутишининг аҳамияти хусусида тушунича бердилар. Тиббиёт мутахассислари ҳаётий мисоллар асосида турли юқумли касалликларнинг оқибатлари ҳақида сўз юритиб, улардан сақланиш ҳамда санитария-гигиена қоидалари бўйича жажжларга тавсиялар беришди. Қизиқarli йўнлар орқали атроф-муҳит мусавфолигини асрашга илҳомчи савол-жавоблар уюштирилди.

— Акциянинг ноанъанавий тарзда ўтказилганлиги болаларларда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилчиси Зафарбек Абдуллаев. — Интерфаол ўйинлар туфайли шахсий гигиена билан боғлиқ тушунича ва тасавуруларни кенгайтириб, зарур хулосаларга эга бўлишди.


— Ҳамиша тоза юрсак, ўқимизни ҳам авло

бўлар экан, — дейди Жалақудук туманидаги 40-умумтаълим мактаби 1-синф ўқувчиси Зебо Йўлдошева. — Мен бу қоидага доим амал қилишга ваъда бераман.

Акция иштирокчилари бўлган 950 нафар ўқувчи санитария-гигиена воситалари жамламалари, эслатма материаллар тақдим этилди.

САМАРҚАНД вилоятининг энг чекка туманларидан бири Қўшработда акция доирасидаги тадбирлар кўтаринки руҳда ўтди. Тумандаги қирққа яқин умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган тадбирларда ўғил-қизларга санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, соғлом турмуш тарзи ва атроф-муҳитни озода тутишнинг аҳамияти ҳақида батафсил тушунича берилди. Болаларларга гигиеник воситалар тўпламлари топширилди. Саломатлик тадбирларида тиббиёт муассасалари ходимлари, оналар ҳам фаол иштирок этишди. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли барча шифохона ва кишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари ўқув муассасаларида бўлиб, саломатлик дарсларида болаларларга қимматли тавсиялар беришди.

— Бахтиёр, ҳеч нарсадан кам бўлмаган авлодларга устозлик қилишининг ўзи ҳам катта бахт, — дейди тумандаги 56-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Шоира Ражабова. — Қарийб ўттиз йилдирки бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бераман. Болаларимизнинг онгу тафаккури йилдан-йилга ривожланиб бораётди. Бу йил биринчи синфга қадам қўйган болаларнинг фикрлаши тамомилан бошқача. Улар ёшига нисба-



тан анча кўп нарсаларни билишди. Шуундаги бундай юксалик, албатта, мустақиллигимиз шарофатидан. Қолаверса, беғуборлик болаликка хос фазилат. Бу даврда кўрган ҳар бир ибратли тадбир боланинг бир умр ёдида сақланади. Эндигина мактабга йўл олган болаларнинг касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган тадбирларда фаол иштирок этиб, совға олиши уларга қанчалар

завқ бағишлашни тасаввур қилиб кўраверинг.

Пахтачи туманидаги бир қатор мактабларнинг биринчи синф ўқувчиларига ҳам санитария-гигиеник пакетларга жойланган эсдалик совғалари топширилди. Тадбирлар жараёнида тиббий ходим ва синф раҳбарлари томонидан тайёirlанган махсус интерфаол дарслар ўтказилиб, юқумли касалликларнинг олдини олиш

борасида рия қилиниши лозим бўлган санитария-гигиеник қоидалар тарғиб этилди.

ФАРФОНА вилоятининг Олтиариқ, Фурқат, Дангара ва Ёзёвон туманларидаги умумтаълим мактабларида ҳам акция юқори савияда ташкил этилди. Тадбирларда ўйин-мулоқот усулларида фойдаланган ҳолда атроф-муҳит мусавфолигини сақлашга илҳомчи экологик сўхбатлар ўтказилди. Шунингдек, юқумли касалликлардан сақланишда шахсий гигиена қоидаларига рия эйтишнинг муҳим шартлари тўғрисида тушунишлар берилди. Қолаверса, болаларлар касаба уюшмалари ҳақида дастлабки тушуничаларга эга бўлишди. Фаоллар ва тиббиёт ходимлари иштирокида ўтган интерфаол дарслар болаларнинг бир умр ёдидан чиқмайди.

— Туманимиздаги 7-, 22-, 36-мактабларда акция доирасида 202 нафар болаларга санитария-гигиена воситалари тўпламини топширдик, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёзёвон туман кенгаши раиси Иқболжон Ҳусанов.

Бундай тадбирлар вилоятнинг қатор мактабларида ҳам ўтиб, умумий ҳисобда минг нафардан зиёд биринчи синф ўқувчисига гигиеник воситалар тўпламлари ҳадя этилди. Ўқувчилар соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳит, жаммоат жойлари, мактаб, синфхоналар, шахсий буюм, кийим-кечакларни тоза, озода тутиш қоидаларига оид дастлабки маълумотларни олишди.

— Озодалик дарсларида айтилган сўзларга бир умр рия қилишга, устозларимиз ўргатганидек доимо озода ва саранжом бўлишга интиланам, — дейди Ёзёвон туманидаги 36-мактабнинг биринчи синф ўқувчиси Моҳларой Аҳмадалиева. — Бизга тозалikka амал қилишимиз учун совғалар улашган касаба уюшма ташкилотига раҳмат.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг совғалари — гигиеник воситалар тўпламлари мактабга илк бор қадам қўйган болаларга бир олам шодлик бағишлади.

Ўз мухбирларимиз

Давлат дастури амалда

Таълим, фан ва маданият ходимлари Шахрисабз туман кенгаши «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси томонидан белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга татиб этиш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Хайрли ишлар давом этади

Жумладан, «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида чекка қишлоқларда яшовчи ва таълим муассасаларида фаолият юритаётган эҳтиёжманд ходимлардан 6 нафарига электрмашиш техника жиҳозлари тақдим этилди. — Эътибордан бошимиз осмонга етди, — дейди «Кутчи» ҚФЙ Зақкана қишлоғидаги 41-умумтаълим мактабида ишловчи Махбуба Эшбобова. — Касаба уюшмаларининг фаолият қамрови кенгайиб, ишончли суянчимизга айланиб бораётганидан хурсандимиз.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида эса ходимларнинг 275 нафар фарзанди Ваҳоб Бердиев номли ва «Зиё чашмалари» оромгоҳларида соғломлаштирилди. Туман кенгаши томонидан «Зиё чашмалари» оромгоҳида спорт тадбири уюштирилиб, голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Урта махсус касб-хунар коллежларида тахсил олаётган иқтидорли ўқувчилардан Наргиза Хўжакулова ҳамда Ўқтам Қудратовага махсус рағбатлантирувчи стипендия ажратилди. 120 нафар ижтимоий химояга муҳтож оила фарзандларига ўқув қуроллари топширилди. Шунингдек, 35 нафар бемор ходимлар ҳолидан хабар олинди. Тармоққа қарашли касб-хунар коллежларида ишловчи 200 нафар педагогининг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёхати ташкил этилди.

74 нафар педагог республикамизнинг турли сихатгоҳларида ўз саломатлигини тиклади. Бундан ташқари, аънанавий август анжуманида ўз касбининг моҳир эгаларидан 70 нафарига туман кенгашининг қимматбаҳо совғалари берилди. Бошланғич ташкилот етакчиларидан 40 нафари рағбатлантирилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан 8 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, коллеж битирувчиларидан Маржона Носирова, Моҳиғул Маликова, Юлдуз Умарова, Фотима Ёқубова, Санжар Қиёмов, Миржалол Фуломов, Адхам Бобоқуллов ва Умура Раҳматова касаб уюшмалари ажратган фойсиз кредит ҳисобига ишли бўлишди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Эзгулик ва шукроналик айёми

№1.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ушбу соҳадаги ишларни кенгайтириш, миллий кадрларимизни қайта тиклаш ва халқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш борасида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 9 сентябрдаги «Қурбон хайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юртимизда меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу амаллар бажариладиган ушбу айёмни кўтаринчи руҳда нишонлаш, учун барча чора-тадбирлар кўрилувчи.

Муборак айём муносабати билан «Нуроний» жамғармаси,

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат ташкилотлар томонидан ўтказилаётган турли хайрли амаллар жамиятимизда маънавий-маърифий муҳит барқарорлигига хизмат қилаётди.

— Икки ярим мингдан кўпроқ аҳоли, турли миллат ва элатлар баҳамжихат яшаётган маҳалламизда бу борадаги тадбирларни халқимизнинг урф-одатларига мос ҳолда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Бодомзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шукрулло Умаров. — Давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда маънавий кадрларимизнинг ёшлар камолотидаги ўрни, юртимиздаги

тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Аҳолининг эҳтиёжманд қисмини кўлаб-қувватлаш, кексалар, беморларни йўқлаш, ўтганлар руҳини шод этиш мақсадида хайрли ишлар амалга ошириляётди.

Юртимизда бўлиб ўтадиган турли байрамлар ва тадбирларни уюшқоқлик билан нишонлашда ёшларнинг фаоллиги алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини кенгайтириш мақсадида «Ўтганлар руҳини шод этайлик» акциясини амалга оширмоқда. Йигит-қизлар иштирокчида қабристонларда, муқаддас қадамжоларда оммавий

ҳашар уюштирилмоқда.

— Туманимиздаги саккизта қабристон ва қадамжоларда фаол ёшларимиздан тузилган гуруҳлар томонидан режа асосида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмасор тумани кенгаши раиси Шерзод Муҳамедов. — Ўзгалар кўмагига муҳтож инсонлар, кексалар ҳолидан хабар олиш мақсадида хайрия акциялари ташкил этиляётди. Бундай тадбирларда ёшларимиз фаол иштирок этаётгани ҳар бир йигит-қизнинг ажодлар хотирасига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром, миллий аънаналаримиз ва Ватанга бўлган садоқатини намойён этади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуди, ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овулларда ушбу му-

борак айёмни муносиб кутиб олишга ўзига хос таралдуд кўрилмоқда. Аҳоли яшаш жойлари, кўчалар, хиёбонлар, масжидлар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар ва улари-нинг атрофи тартибга келтирилмоқда. Ўзгалар ёрдамига муҳтожларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш, улари-нинг ҳолидан хабар олиш, ёрдам қилини чўзиш каби халқимизнинг эзгу аънаналари бу кунларда янада кучаймоқда.

Бундай хайрли амалларнинг барчаси юртдошларимиз ўртасида меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик ришталарининг янада кучайиши, тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамжихатлик муҳитининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири

Тадбир

Қасамёдга содиқлик бахти

Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида жорий йилда ўқишга кирган тингловчиларнинг «Ҳарбий ва божхоначи қасамёди»ни қабул қилиш тантанали маросими бўлиб ўтди. Унда парламент, тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, отаналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давлат ҳокимияти тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган божхона хизмати мамлакатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлиги ва иқтисодий манфаатлари ҳимоячиси.

Марказий Осиёда ягона Олий ҳарбий божхона институтида божхона иши ва юриспруденция мутахассисликлари бўйича малакали божхоначи кадрлар тайёрланмоқда. Шу пайтга қадар бажокур даргоҳда тахсил олган мингдан ортиқ божхоначи кадрлар республикамизнинг турли божхона органларида хизмат бурчларини бажаришяпти.

Тадбирда сўзга чиққанлар божхона хизматининг энг муҳим мезони адолатли бўлиш, қонунларга оғишмай амал қилиш эканлигини, божхона ходимидан нафақат ўз касбининг сирларини чуқур эгаллаш, балки юксак маънавият ҳамда ахлоқий фазилатларга эга бўлиш талаб этилишини алоҳида таъкидлашди.

Институтда йўловчилар божхона расмийлаштурувини ташкил этиш, криминалистика техни-

каларини ўрганиш, интерактив электрон ўқув дастурлари ўрнатилган синфлар, божхона пости-нинг моделлаштирилган ўқув, хорижий тилларни амалий ўрганиш лингафон аудиториялари, ҳарбий машғулотлар хоналари, божхона экспертизаларини амалга оширишга мўлжалланган замонавий восита ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория, автомобил тайёргарлиги бўйича махсус ўқув тренажёрлар ҳамда транспортда амалий машқлар ўтказиш синфлари мавжуд.

Масканда иккита замонавий ётоқхона, кутубхоналар, спорт мажмуаси, тренажёр заллари, тир, ёзги ва қишки сузиш ҳавзалари, теннис корти ва бошқа зарур иншоотлар тингловчилар ихтиёрида.

Тантанали маросим Олий ҳарбий божхона институти қошида ташкил этилган ҳаваскор ансамбл ҳарбий оркестр томонидан тайёрланган концерт дастури билан якунланди.

Ўз мухбиримиз



РЕКЛАМА

«Ko'chmas Mulk Menejment Konsalting» МЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Фуқаролик ишлар бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 17 ноябрдаги 1-4854/15-сонли ижро варақасига асосан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган «Platina Leasing» МЧЖга қарашли Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган умумий майдони 605,80 кв.метр, фойдали майдони 58,20 кв.метр бўлган 9 та хонадан иборат бино кўйилмоқда. Бошланғич баҳо — 450 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 14 октябр кuni соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй савдо ташкилотчисининг аукцион залида бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 12 октябр кuni соат 18:00 да тўхтаилади.

Аукцион савдоси голиб савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиши мумкин.

Талабгорлар диққатига! — Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакилининг қатнашини учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиши лозим.

— жиҳмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакилининг қатнашини учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиши учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas Mulk Menejment Konsalting» масъулияти чекланган жамиятининг АТБ «Капитал банк» Бухоро филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000100396752001, МФО: 01082, ИИН: 303068015, ХХТҮТ: 83200.

Буюртма маълумат қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тел: (+998994) 548-70-20, (+998990) 635-75-61, E-mail: kmmk.realtor@gmail.com. Веб-сайт: www.kmmk.uz. Лицензия: RR-0213.

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Республика Иқтисодига хизмат ДУК Фаргона вилоят Бошқармаси балансидаги «РАФ-2203801» расмий микроавтобус, д/р:40 745 НАА, 1993 йилда и/ч, техник носоз. Бошланғич баҳо — 737 746 сўм.

2. «Фернефтипромосервис» МЧЖ балансидаги, 1976 йилда и/ч, завод №1607, «МКГ-255Р» русумли ўзи ҳарар кран, техник носоз. Бошланғич баҳо — 47 272 000 сўм.

3. Фаргона «Шифо Тез Ёрдам» автокорхонаси балансидаги «FORD» русумли махсус автотранспорт воситаси, 1993 йилда и/ч, д/р: 40 579 ААА, техник носоз. Бошланғич баҳо — 8 395 385 сўм.

4. «Халқ банк» Данғара тумани филиали балансидаги «ЭСПЕРО» русумли автотранспорт воситаси, 1993 йилда и/ч, д/р: 15 А1 048, техник носоз. Бошланғич баҳо — 1 180 008 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 12 октябр кuni соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар хабарнома чиқдан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишининг охири мuddати: 2016 йил 10 октябр, соат 16:00.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган мулклар 2016 йил 12 октябр кuni савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 20, 28 октябр ва 15 ноябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтаилади.

Савдо голиб деб топилган шахсга 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг «Трастбанк» Фаргона филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: Х/Р: 22604000600396342001, МФО:01123, СТИР: 303054753. Манзил: Фаргона шаҳар, Маърифат кўчаси, 22-уй. Тел: +998995-402-54-75. Гувоҳнома: № 1894.

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси куйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади!

1. Қарши шаҳар Қарликбоғот кўчаси қопламаларини капитал таъмирлаш (Бунёдкорлик (Б.Шерқуллов) кўчасидан Амир Темур кўчасигача, Амир Темур кўчасидан Насаф кўчасигача). Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1.422.992.410 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1.185.827.008 сўм, қурилиши тугалаш мuddати — 3 ой.

Буюртмачи: Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси.

Манзил: Қарши шаҳар, А.Навой кўчаси, 27-уй. Тел.: (0-375) 223-46-65, 46-59.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларига фақат «Қурилиш - пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат берилди.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган вилги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдоларида офертлар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунилик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Танлов савдоларида қатнашиши учун талабгорлар куйидаги шартларга: танлов савдолари предмети-нинг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хиз-

матлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тахрири билан ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун куйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектуриш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши ш. Ўзбекистон кўчаси, 60-«А» уй, Тел./Факс: (0-375) 223-19-11, 223-27-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати оферталар очилиши кuni ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, куйидаги манзилда, Қарши ш., А.Навой кўчаси, 27-уй.

«SPARTAK KONSALTING» МЧЖ риэлторлик ташкилоти томонидан бўлиб ўтган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдонлари сотилган очик аукцион савдолари натижалари

2016 йил, 28 июл

Table with 5 columns: №, Объект жойлашган манзили, Доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдони, кв.м., Ер майдони минимал қиймати, Сотилиш нархи

ЖОНДОР ТУМАНИ

Table with 5 columns: №, Объект жойлашган манзили, Доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдони, кв.м., Ер майдони минимал қиймати, Сотилиш нархи

ҚОРАКУЛ ТУМАНИ


Table with 5 columns: №, Объект жойлашган манзили, Доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдони, кв.м., Ер майдони минимал қиймати, Сотилиш нархи

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Туризм

Оламни маҳлиё айлаган диёр

Истиклол йилларида Ўзбекистонда туризм соҳасининг шиддат билан ривожланиши ва мамлакатнинг бой туризм салоҳиятига урғу берилиши диёримизга келаётган сайёҳлар сонининг ортшига олиб келди. Саёҳат ва туризм бўйича Бутунжаҳон кенгаши экспертлари Ўзбекистонни туризм тез ривожланаётган 5 та мамлакатлар қаторида эътироф этди. Бутунжаҳон кенгашининг эътирофига, Ўзбекистонда сўнгги 10 йил ичида туризм йилига 7 фоиз ўсди.



Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ичида энг катта саёҳлик салоҳиятига эга бўлган давлатдир. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қўқон каби маданий ёдгорликларга бой шаҳарларимиз ўзининг бетакрор тарихий қиёфаси билан ҳар қандай одамни мафтун этади.

Айни пайтда юртимиз ҳақиқий маънода туризм индустрияси юксалаётган заминга, сайёҳлик иқтисодиётнинг тез суръатларда ривожланаётган, энг сердаромад тармоқларидан бирига айланди.

Мамлакатимиздаги янгилашлар нафақат туризм инфратузилмасини тақомиллаштириш, балки миллий туристик хизматлари халқаро сайёҳлик бозорларига фаол олиб кириш имконини берганлиги алоҳида эътирофлидир.

Хозирги вақтда юртимизнинг бетакрор тарихий, архитектуравий тизимлари ва ёдгорликлари билан таништиришга йўналтирилган юздан ортқ саёҳлик йўналишлари ташкил этилган бўлиб, тарихий объектларнинг 140 таси ЮНЕСКО ташкилоти томонидан муҳофазатга олинган. Бугун юртимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий қадимжолари кўпийига бўйича дунёда етакчи ўн та мамлакат саҳифа эканлиги ҳам кўп нарсани аниқлатади.

Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездлар эндиликда Қарши ва Бухоро шаҳарларига ҳам қатнай бошлади. Бу эса, ҳудудларда туризм салоҳиятини янги босқичга кўтаришда муҳим омили бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан welcomeuzbekistan.uz сайтининг ишга туширилиши сайёҳлар учун яна бир қулайлик бўлди. Мазкур веб-саҳифа орқали сайёҳлар мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликлар, сайёҳлик йўналишлари, гидлар, таржимонлар, миллий қўнчилик, тарих, география, иқлим, халқ амалии санъати, маданият ва урф-одатлар, наботот ва ҳайвонот олами, музейлар, рестороанлар ва бошқалар ҳақида зарур маълумотга эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, мамлакатимизда сайёҳликнинг экотуризм, экстремал, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат каби турлари ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида алпинистлар, чанги спортга қизиқувчилар кўпаймоқда.

Экотуризм бугунги кунда сайёҳликнинг истиқболли йўналишларидан бирига айланаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Экотуризм кўпчилик давлатларнинг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Мисалан, АКШ да бир йилда қарийб 80 миллион америкалик саёҳатларга 220 миллиард доллар сарфлаб, табиат қўйнида дам олиб қайтади. Кения миллий даромадининг 80 фоизи туризмдан олинади. Чили аҳолисининг 30 фоизи туристларга хизмат кўрсатиш билан банд. Кейинги 10 йилда экологик туризм билан шуғулланаётган давлатлар сони 47 тадан 123 тага етди. Экотуристик фирмалар сони 2 баравар, хизмат кўрсатиш даражаси эса 3 баравар ошди.

Кейинги йилларда дунё сайёҳларининг қизиқиш доираси мунтазам равишда ўзгариб, туризмнинг ноанъанавий — экотуризм, агротуризм, археологик туризм каби турларига қизиқиши ортмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, улар орасида экотуризм энг иштирокчи ва тез тараққий қилади, дея эътироф этиляпти.

Экологик туризмни янада ривожлан-

тириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2002 йилни «Экологик туризм йили» деб эълон қилганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, экотуризмнинг ривожланиши табиати муҳофазат қилиш, туристларни она табиатимизга жалб этиш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш муаммоларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшади. Ўзбекистонга келаётган ёши 50 дан ошган сайёҳларнинг 41 фоизи мамлакатимизнинг энг хушманзара ҳамда табиий ландшафтлар яхши сақланиб қолган ноёб жойларини кўриш, 25-30 ёшлар атрофидаги сайёҳларнинг 26 фоизи эса экологик муаммолар мавжуд ҳудудларда бўлиш истагида эканлигини билдиришган.

Экотуризм объектларини юртимизнинг биргина Жиззах вилояти мисолида кўрадикан бўлса, булар Форш туманида миллий ўтовлардан иборат туристик база, Нурота қўриқ-хонасининг ҳайвонот дунёси, Айдарқўлда балиқ ови ва Қизилқум кенгликларидан туя ёки отда сайр каби хизматлар сайёҳларга маъқул келяпти.

Туризм соҳаси бўйича юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги касб-хуна коллежлари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва бошқалари сайёҳлик факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва рестороан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Соҳада хорижлик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини халқаро миқёсда кенг намойиш қилиш ва шу йўл билан сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан маркетинг лойиҳалари — мега-инфо-турлар ташкил этилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Буюк Британия, Венгрия, Италия, Испания, Нидерландия, Россия, Сингапур, Франция, Хитой, Япония каби кўплаб мамлакатларнинг икки юздан зиёд сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

«Euronews» халқаро телеканали орқали мамлакатимизда улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари тўғрисидаги туркум лавҳалар, Тошкентнинг бекиёб табиати ва кўзга кўринган туристик жойларини тарғиб этувчи янги «City-tour» рубрикаси эфирга узатилиб келинаётир. Энди-

ликда ушбу телеканал юртимиз сайёҳлик имкониятлари, меъморий обидалар ва урф-одатларимиз ҳақидаги бир неча реклама роликларини намойиш этиб боради. Шу билан бир қаторда, телеканал ўзининг «Postcards» ва «Cult» кўрсатувлари доирасида Ўзбекистоннинг турли вилоятлари маданий ва тарихий ёдгорликлар ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи лавҳалар тақдим этишни режалаштирган.


Ўзбек халқи нафақат меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги, шу билан бирга, миллий таомлари билан ҳам машҳурдир. 1957 йилдан бери нашр қилиб келинадиган Сингапурнинг етакчи рўзномаси «Berita Harian» яқинда ўзбек миллий таоми — ош ҳақида махсус мақола эълон қилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон қасаба уюшмалари тизимидаги 17 та санаторий фаолияти самардорлигини ҳамда улардаги тиббий хизмат сифатини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, санаторийлар моддий-техник негизини мустақамлаш мақсадида амалга оширилган катта ҳажмдаги қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари, сиҳаттоҳ-

лурнинг энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан таъминла-иши, тиббиёт ходимлари малакасининг мунтазам равишда оширилиши ушбу масканларга нафақат республикамиз аҳолиси, балки хорижлик дам олувчиларнинг ҳам қизиқишини оширмоқда.

— 2015 йилда қасаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 2525 нафар хориж давлатлари фуқароларига соғломлаштириш ва реабилитация хизматлари кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида сиҳаттоҳларимизга 2150 нафар хорижлик ташриф буюрди, — дейди УзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нигора Нурматова. — Бу кўрсаткичнинг йилдан-йилга орттиб бораётгани Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тизимдаги сиҳаттоҳларда туризм ва соғлиқни сақлаш интеграциясини ривожлантиришга қаратиляётган эътибор самарасидир. Шу мақсада санаторийлар жаҳон андозалари талаблари даражасидаги тиббий асбоб-

ларнинг энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан таъминла-иши, тиббиёт ходимлари малакасининг мунтазам равишда оширилиши ушбу масканларга нафақат республикамиз аҳолиси, балки хорижлик дам олувчиларнинг ҳам қизиқишини оширмоқда.



ускуналар билан жиҳозланиб, даволашнинг халқаро стандартларга мос янги усуллари ташкил этилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда тизимдаги сиҳаттоҳлар ЭЭГ, «Агиосад-ЭХО», замонавий компютерли аппаратлардан ЭКГ, «Иномед» ВТЛ русумидаги умуртқа поғонасини тортиш ускунаси ҳамда кўп услубли физиотерапевтик аппаратлар, гастродифроскоп, ректоскоп каби тиббий жиҳозлар билан жиҳозланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан турли давлатлардаги курортлар ва санаторийлар билан ўзаро ҳамкорлик ишларини ривожлантириш борасида самарали фаолият олиб борилди. 2011 — 2015 йилларда тажриба алмашиш ва малака ошириш мақсадида тизимдаги санаторийлар мутахассисларидан 10 нафари Чехия, 4 нафари Россия, 4 нафари Озарбайжондаги курортларда бўлиб, янги замонавий даволаш-ташхислаш усуллари, энг замонавий тиббиёт техникаси ва электрон аппаратларидан фойдаланишни ўрганиб қайтидилар. Шунингдек, ушбу давлатлар билан ҳамкорликда ишлаш бўйича шартномалар тузилди.

«Ипак йўли туризми» Тошкент халқаро туристик ярмаркаларида жаҳон туристик агентликлари билан бир қаторда, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам қатнашди. Унда тизимдаги санаторийлар фаолиятини ёритувчи видео-клиплар, баннер тақдим этилди. Гиёҳлардан тайёрланган дәм-лазалар, «тузли гор» композицияси ташкил қилинди. Кўрғазмалар хорижлик иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди.

Бир сўз билан айтганда, тизимдаги санаторийлар жойлашган ҳудуди, табиати, мўътадил иқлими, ер тубидан чиқаётган маъданли сувлари ва таркибидоги органик минерал тузларининг даволи тасвирига кўра касалликларни соғломлаштириш учун иختисослашган бўлиб, бошқа дунё таниган сиҳаттоҳларнинг маъданли сувлари ва табиий омиллари билан рақобатлаша олади.

Сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон ўзининг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати, бетакрор қадриятлари ва анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига тўбора кўпроқ жалб этмоқда.

— Ўзбекистон Марказий Осиё марваридидир. Юртингизга бундан беш йил муқаддам келган эдим, — дейди Малайзиядан ташриф буюрган Бертлин Мендриах. — Тошкентни таниёلمай қолдим. Айниқса, боғ ва хиёбонлар ҳар қандай кишини ўзига маҳлиё этади. Меҳмонхоналарда яратилган сервис хизмати аъло даражада. Сафарим давомида Бухоро шаҳрида бўлдим. Бу гўша чинакамга хунармандлар шахридир. Нозик дид билан ишланган миллий хунармандлик буюмлари мени лол қолдирди. Ҳар бир сайёҳ сафар чоғида эсдалик учун нараса харид қилади. Мен қўлигул хунармандларнинг сувинерларидан харид қилдим. Бу буюмлар, албатта, менга гўзал Ўзбекистонни эслатиб туради. Яқин вақт ичида оила аъзоларим билан Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига саёҳат қилиш ниятидаммиз.

— Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг дурдонаси саналади. Мен Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларда бўлдим, — дейди ҳиндистонлик сайёҳ Рахул Пател. — Бу қадимий шаҳарларни чиндан ҳам очик осмон остидаги музей деса бўлади. Айниқса, Хива кўчалари худди санъат асаридоги расмга ўхшайди. Обидаларни томоша қилиб, ўтмишга тугшандай бўласан, гўё.

— Ўзбекистонга саёҳатга келишга ундаган нараса, бу Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» фестивали бўлди. Телевидение орқали «Шарқ тароналари»ни кўриб, юртингизга ҳавасим ошди. Юртингизнинг гўзал ва бетакрор табиати, бой тарихий-маданий мероси мени бутунлай маҳлиё этди. Саёҳатим чоғида яна юртингизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга ошириляётганининг гувоҳи бўлдим. Бетимсол ишларни ҳайрат ва ҳавас билан кузатдим. Айниқса, ҳеч қаерда учрамайдиган ўзбек халқига хос меҳмондўстлик мени лол қолдирди.

Жамҳид ЭРҒАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

XV ёзги Паралимпия ўйинлари



Рио-де-Жанейро шаҳрида старт олган XV ёзги Паралимпия ўйинларининг биринчи кунда ўн бир нафар ҳамюртимиз беллашувларга киришди. Эътиборлиси, вакиллари-миздан саккиз нафари медаллар билан тақдирланди.

Бунақаси аввал бўлмаган

Шу пайтга қадар бизда Паралимпия ўйинлари чемпиони йўқ эди. 2012 йилги Лондондаги Паралимпия ўйинларида ҳамюртимиз Шариф Халилов 73 кг. вазндаги дзюдочилар баҳсида кумуш медалига сазовор бўлганди. Бу гагли мусобақада эса бир йўла уч спортчимиз шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Вазни 60 кг. гача бўлган дзюдочилар баҳсида Шерзод Намозов финалга қадар уруғвайлик Хенри Боргес ва озарбайжонлик Рамин Иброҳимовни мағлубиятга учратди. Олтин медал учун кечган баҳсда эса дзюдо ватани ҳисобланган Япония терма жамоаси аъзоси Хироши Макотодан устун келди. Шу тариқа Шерзод Намозовнинг олтин медали Ўзбекистон тарихида Паралимпия ўйинларида қўлга киритилган илк олтин бўлиб қолди.



Буни қарангки, 66 кг. гача бўлган полвонлар беллашувлари ҳам олтин медал вақилимизга nasib этди. Ушбу вазн тоифасида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Уткирбек Нигматов чорак финалда кубалик, ярим финалда эса украиналик Давид Хоравани мудатидан аввал таслим қилди. Финал баҳсида полвонимиз озарбайжонлик Байрам Мустафоевни иппон баҳоси билан энгди ва олтин медал соҳибига айланди.

Аёллар ўртасидаги дзюдо баҳсларида 52 кг. вазн тоифасида иштирок этаётган ҳамюртимиз Севинч Салаева терма жамоамиз ҳисобига бронза медалини қўшиб қўйди.

Энглик атлетика бўйича беллашувлар ҳам биз учун хайрли бошланди. Ҳамюртимиз Хусниддин Норбеков делегациямизга учинчи олтин медалини тақдим этди. Қувонарлиси, Хусниддин нафақат Паралимпия ўйинлари чемпионлигини қўлга киритди, балки диск улқтириш бўйича жаҳон рекордини ҳам янгилади. Илк уринишда дискни 54,46 метрга улқтириб, ўзининг шахсий рекордини янгилаган бўлса, иккинчи уринишда 59,75 метр масофани забт этиб, жаҳон рекордини ўрнатди.

Сузиш бўйича эркалар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича ҳамюртимиз Кирил Панков кумуш медалига сазовор бўлди. Яна бир ҳамюртимиз Музаффар Турсунжоев ушбу йўналишда бронза медалини қўлга киритди.

Аёллар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича ҳамюртимиз Муслимаҳон Одилова делегациямиз ҳисобига иккинчи кумуш медалини тақдим этди. Худди эркалар ўртасидаги беллашувларда бўлгани каби аёллар ўртасида ҳам кумуш ва бронза медаллари Ўзбекистон вакиллари-га nasib этди. Яна бир спортчимиз Фотимаҳон Амилова терма жамоамиз газнасини бронза медали билан тўлдирди.

Медал жамғариш бўйича терма жамоамиз 3 та олтин, 2 та кумуш ҳамда 3 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида Хитой ва Буюк Британия вакиллари билан сўнг кучли ушликни яқуллаб турибди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

MUASSIS:



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbaot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftoning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishli short. Mualliflari fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-91) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Abdullayev

Navbatchi:

N.Mohamov

Musahhirlar:

S.Shodiyeva

Sahifalovchi:

H.Abdullajilov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning kompiuter markazida tahrirlil va sahifalandi».

Gazeta o'qset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma T — 915.

14282 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Bosishga topshirish vaqti: 20:50
Topshirildi: 21:30

1 2 3 4 6

Tahririyat xushob rakami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIS «Intoteka bank» Yashobod filiali, bank kodi: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100